

## Қарз шартномаси ва унинг шакллари

Маълумки, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимояси миллий қонунчилигимизнинг асосини ташкил этади. Жумладан, фуқаролик қонунчилигида мулкнинг дахлсизлиги, шартноманинг эркин тузилиши, фуқаролик ҳуқуқларининг тўсқинликларсиз амалга оширилиши, бузилган ҳуқуқлар суд орқали ҳимоя қилиниши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Фуқаролик кодексида фуқароларнинг мажбуриятлари ҳам ўз ифодасини топган. Ҳозирги кунда долзарб бўлган мажбуриятлардан бири — қарз муносабатларига фуқаролик қонунчилигида алоҳида ўрин берилган.

Қарз шартномасига асосан қарз берувчи қарз олувчи ихтиёрига пул ёки сон, миқдор ўлчовидаги бошқа мулкни беради. Ҳар икки томон зиммасига, шартнома ёки қонунда кўрсатилган шартларга асосан, мажбуриятлар юклайди. Қарз шартномасига кўра, олинган нарса қарз берувчига қайтарилиши лозим бўлиб, унинг тартиби ва муддати шартномада алоҳида қайд этилади. Агар қайтариш муддати кўрсатилмаган бўлса, у қарз берувчи талаб қилган вақтда қайтарилиши шарт.

Фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилади. Фуқаролик кодексининг 733-моддасига мувофиқ, агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи муайян сумма, муайян миқдордаги ашёлар берганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Агар тарафлар ўртасида тузилган қарз шартномасида қарз берувчи олинган шу суммадан тегишли миқдорда ҳақ олиши, фоиз ҳисобида ёки бошқа шаклда манфаатдор бўлиши белгиланган бўлса, у қонунга асосан фоиз олиши мумкин. Фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари қарз шартномасида кўрсатилади. Агар шартномада фоиз миқдори кўрсатилмаган бўлса, қарз берувчининг фоиз тўлашни талаб қилишига йўл қўйилмайди.

Бугунги кунда суд амалиётида қарз шартномаси билан боғлиқ низолар керак. Уларнинг аксарияти фуқароларнинг қарз шартномаси хусусида етарли тасаввурга эга эмаслиги туфайли келиб чиқаётганини таъкидлаш зарур. Масалан, даъвогар З.Собирова судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар В.Эргашева 2012 йилнинг сентябрь ойида ундан 560 минг сўм қарз олганини, бу тўғрида жавобгарнинг тилхати мавжудлигини, бироқ жавобгар 2013 йил июнь ойига қадар олган қарзини қайтариб бермаганини баён

қилиб, жавобгардан асосий қарз ва банк фоизи ставкасида фоиз ундиришни сўраган.

Жавобгар В.Эргашева суд мажлиси бўлиб ўтадиган вақт ва жой тўғрисида хабардор қилинган бўлишига қарамасдан судга келмаганлиги сабабли суд унинг иштирокисиз, ишни сиртдан иш юритиш тартибида кўриш ҳақида ажрим чиқарган. Фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро судининг 2013 йил 25 июндаги сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорига асосан, даъвогар З.Собированинг даъвоси қисман қаноатлантирилган.

Шунингдек, даъвогар Г.Курманова судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, 2001 йилдан буён Зарафшон шаҳар 6-кичик туманда жойлашган 12-сонли ётоқхонада ўз оиласи билан бир хонада яшаб келишини, уч нафар фарзанди борлигини, С.Ўринова унга ҳокимиятда таниши борлигини, беш миллион сўм пул берсангиз, квартира олиб бераман, деб ваъда берганини, жавобгарнинг лафзига ишониб, унга 3,5 миллион сўм пул берганини, бироқ орадан кўп йиллар ўтса-да, натижа бўлмаганини, ушбу масалани ҳал этишда ёрдам беришни сўраган.

Суд мажлисида жавобгар С.Ўринова даъво аризасида баён этилган фикрларни тан олиб, ҳақиқатан ҳам, даъвогар Г.Курманова таниши эканини, ундан пул олиб бошқа танишига берганини, бироқ у ишни бажара олмаганини, энди шу пулни даъвогарга қайтариб беришини маълум қилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро судининг 2013 йил 20 декабрдаги ҳал қилув қарорига асосан, даъвогар Г.Гурманованинг даъвоси тўлиқ қаноатлантирилди.

Бундан ташқари даъвогар Ю.Қаюмов ҳам судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда Ф.Ражабов 2012 йилнинг 19 май куни уйига пул сўраб келганини, уйда йиғиб юрган маблағини жавобгарга бериб юборганини, ушбу қарзни у бир кунда қайтариб бераман, деб тилхат ёзиб берганини, бироқ шу кунга қадар турли баҳоналар билан қайтариб бермаганини қайд этиб, жавобгардан 1 миллион 160 минг сўм асосий қарз, юридик хизмат учун тўланган 200 минг сўм, 40 минг сўм тўланган давлат божи ҳамда 300 минг сўм маънавий зарарни ундириб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро судининг 2013 йил 29 июлдаги сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорига асосан, даъвогар Ю.Қаюмовнинг даъвоси қисман қаноатлантирилган.

Олий суд Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги "Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорининг 13-банди 3-қисмида қарз шартномасидан келиб чиққан мажбурият пул мажбурияти бўлиб, уни бажармаганлик учун жавобгарлик Фуқаролик кодексининг 327-моддасида белгиланганлиги сабабли қарз олувчининг шартнома бўйича мажбуриятни бузганлиги қарз берувчининг маънавий зарарни қоплаш ҳуқуқини истисно этиши тўғрисида тушунтириш берилган. Шунга кўра, биринчи босқич суди томонидан даъво талабларининг асосий қисми қаноатлантирилиб, даъвонинг маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги қисми асосли равишда рад этилган.

Хулоса қилиб айтганда, қонунларга таяниб иш кўрган киши ҳар қандай шароитда ҳам ўз ҳуқуқи бузилмаслигига, бузилса ҳам уни қонуний йўл билан тиклашга, албатта, эришади. Шундай экан, қонунийлик ҳаётимиз мезони бўлса, ҳуқуқларимиз таъминланишини доимо ёдда тутайлик.

**Ҳ.МИРЗАЕВ,**

фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро судининг судьяси